


Намознинг афзаллиги

Image not found or type unknown



16:00 / 03.05.2020 3825

يَنْمُو أَلِق مَلَسُو هِي لَع هَل ل ا ل ل ص ي ب ن ل ا ن ع ، ه ن ع ه ل ل ا ي ص ر ر س ا ب ع ن ب ا ن ع
ن ي ح ا م ه ن م ي ل و ا ل ا ي ف ر ه ط ل ا ي ل ص ف ، ن ي ت ر م ت ي ب ل ا د ن ع م ا ل س ل ا ه ي ل ع ل ي ر ب ج
ي ل ص م م ، ه ل ث م ع ي ش ل ك ل ط ن ا ك ن ي ح ر ص ع ل ا ي ل ص م م ، ك ا ر ش ل ل ل ث م ع ي ف ل ل ا ن ا ك
ق ف ش ل ل ا ب ا ع ن ي ح ا ش ع ل ا ي ل ص م م ، م ا ص ل ل ا ر ط ف ا و س م ش ل ل ا ت ب ج و ن ي ح ب ر ع م ل ا
ر م ل ل ا ي ل ص و ، م ا ص ل ل ا ي ل ع م ا ع ط ل ا م ر ح و ر ج ف ل ا ق ر ب ن ي ح ر ج ف ل ا ي ل ص م م
ي ل ص م م ، س م ا ل ا ب ر ص ع ل ا ت ق و ل ه ل ث م ع ي ش ل ك ل ط ن ا ك ن ي ح ر ه ط ل ا ه ي ن ا ث ل ا
ي ل ص م م ، ل و ا ل ا ه ت ق و ل ب ر ع م ل ا ي ل ص م م ، ه ي ل ث م ع ي ش ل ك ل ط ن ا ك ن ي ح ر ص ع ل ا
م م ، ص ر ا ل ا ت ر ف س ا ن ي ح خ ب ص ل ا ي ل ص م م ، ل ي ل ل ا ث ل ث ب ه ن ي ح ر خ ا ل ا ش ع ل ا
ا م ي ف ت ق و ل ا و ، ك ل ب ق ن م ا ي ب ن ا ل ا ت ق و ا د ه ، د م خ م ا ي ، ل ا ق ف ل ي ر ب ج ي ل ل ا ت ف ت ل ا
ه ا ب ا ص و ي ذ م ر ل ل ا ه ا و ر ، ن ي ت ق و ل ا ن ي د ه ن ي ب

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаброил алайҳиссалом менга байтнинг (Байтуллоҳнинг) олдида икки марта имомлик қилди. Бас, улардан биринчисида Пешинни соя кавушнинг тасмасича бўлганида ўқиди. Сўнгра Асрни ҳар бир нарсанинг сояси ўз мислича бўлганида ўқиди. Сўнгра Шомни қуёш ботиб, рўзадор ифтор қиладиган пайтда ўқиди. Сўнгра Хуфтонни шафақ ғойиб бўлганида ўқиди. Сўнгра Бомдодни фажр ярақлаб, рўзадорга таом ҳаром бўладиган вақтда ўқиди. Иккинчи мартада Пешинни ҳар бир нарсанинг сояси ўз мислича бўлганида – кечаги Асрнинг вақтида ўқиди. Сўнгра Асрни ҳар бир нарсанинг сояси ўзига икки баробар бўлганида ўқиди. Сўнгра Шомни биринчи ўқиган вақтида ўқиди. Сўнгра Хуфтонни кечанинг учдан бири кетганида ўқиди. Сўнгра Бомдодни ер ёришиб кўринганида ўқиди. Сўнгра Жаброил менга ўгирилиб қаради-да:

«Эй Муҳаммад, мана шу сендан олдинги анбиёларнинг вақтидир. Вақт ушбу икки вақтнинг ўртасидир», деди», дедилар».

Термизий ва унинг икки соҳиби ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдаги Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Жаброил алайҳиссалом менга байтнинг (Байтуллоҳнинг) олдида икки марта имомлик қилди», деганлари Байтуллоҳнинг олдида икки кун беш вақтдан намозга имомлик қилди, маъносидадир. Буни ҳадиси шарифда келган кейинги жумлалардан фаҳмлаб олиш қийин эмас.

«Пешинни соя кавушнинг тасмасича бўлганида ўқиди» жумласи, қуёш заволга кетиб, ҳар бир нарсанинг сояси туша бошлаганида ўқиди, деганларини билдиради.

Қоқ туш пайти – қуёш тиккага келганида соя энг қисқарган пайт бўлади. Қуёш оға бошлаши билан эса соя ҳам узая бошлайди. Арабистондаги кавушлар ўзига хос бўлиб, тасмалари устида ингичка қайиши бўлади. Демак, нарсаларнинг сояси ўша қайиш тасмасича бўлганида, яъни энди узая бошлаганида Пешин намозининг аввалги вақти киради.

Ҳадиси шарифдан тушунилишича, Жаброил алайҳиссалом биринчи куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга беш вақт намознинг ҳаммасини энг аввалги пайтида ўқиб берганлар. Иккинчи куни эса энг охириги вақтида ўқиганлар. Сўнгра:

«Эй Муҳаммад, мана шу сендан олдинги анбиёларнинг вақтидир. Вақт ушбу икки вақтнинг ўртасидир», деди».

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пешин намозининг вақти қуёш заволга кетиб, ҳар бир нарсанинг сояси узая бошлаганидан то ҳар бир нарсанинг сояси ўзининг бўйи мислича бўлгунча эканлиги.

Бу икки вақтдан ташқарида Пешин намозининг вақти бўлиши мумкин эмас.

2. Аср намозининг вақти ҳар бир нарсанинг сояси ўз бўйи мислича бўлганидан бошлаб то қуёш ботгунча эканлиги.

Бироқ, бундан ҳадисдаги «вақт шу икки вақтнинг ўртасидир» деган жумлага биноан ҳар бир нарсанинг сояси ўзига икки мисл бўлганда Асрнинг вақти тугар экан, деган хулоса чиқмайди. Асрнинг вақти Шомнинг вақти киргунча давом этади.

Ушбу ҳадисда Жаброил алайҳиссалом Аср намозининг афзал вақтини кўрсатиб берганлар. Бошқа ҳадисларда Асрнинг вақти Шомнинг вақти киргунча давом этиши очиқ-ойдин баён қилинган.

3. Шом намозининг вақти қуёш ботганидан бошлаб, Хуфтоннинг вақти киргунча давом этади.

Аммо Жаброил алайҳиссалом бу намозни икки кунда ҳам бир хил вақтда – қуёш ботган пайтда ўқиб берганлари бу намознинг энг афзал вақти шу эканлигига далолат қилади.

4. Хуфтон намозининг вақти шафақ ғойиб бўлганидан бошлаб, тонг отгунчадир.

Лекин бу ҳадисда унинг кечанинг учдан бири ўтганда ўқилиши энг афзал вақт шу эканлигини кўрсатади.

5. Бомдод намозининг вақти тонг отганидан бошлаб, то қуёш чиқишни бошлагунчадир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу ҳадиси шарифда ҳар бир намознинг энг аввалги вақти билан охириги вақтининг энг афзали кўрсатилган.

Аслида эса Бомдоддан бошқа намозларнинг вақти бир-бирига уланиб кетади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан